

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**ЗАРИПОВ ХУСАН БАХОДИРОВИЧ**

**СОЛИҚЛАРНИНГ КОРХОНАЛАР МОЛИЯВИЙ-ХЎЖАЛИК**  
**ФАОЛИЯТИГА ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ ЙЎЛЛАРИ**

**08.00.07–Молия, пул муомаласи ва кредит**

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2020 йил**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавления автореферата диссертации доктора философии (Doctor of  
Philosophy) по экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (Doctor of  
Philosophy) on economical sciences**

**Зарипов Хусан Баходирович**

Солиқларнинг корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятига таъсирини  
баҳолаш йўллари.....3

**Зарипов Хусан Баходирович**

Пути оценки влияния налогов на финансово-хозяйственную деятельность  
предприятий.....29

**Zaripov Khusan Bahodirovich**

Ways to assess the impact of taxes on the financial and economic activities of  
enterprises.....55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....59

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**ЗАРИПОВ ХУСАН БАХОДИРОВИЧ**

**СОЛИҚЛАРНИНГ КОРХОНАЛАР МОЛИЯВИЙ-ХЎЖАЛИК**  
**ФАОЛИЯТИГА ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ ЙЎЛЛАРИ**

**08.00.07–Молия, пул муомаласи ва кредит**

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2020 йил**



## **КИРИШ (фалсафа доктори(PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон амалиётига кўра, хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти барқарорлигини таъминлашнинг самарали механизмида солиқ дастакларини такомиллаштириш муҳим ўрин тутди. Жаҳон иқтисодиётининг ҳозирги замон ривожланиш қонуниятлари ва унинг солиқ омилларини чуқур таҳлил этиш дунёнинг тараққий этган давлатларида солиқ юкини камайтириш, солиқ турларини унификация қилиш ва солиқ ставкасини пасайтириш, солиқларни тўлаш ва солиқ ҳисоботларини тақдим этишнинг электрон тизимини ривожлантиришда замонавий ахборот технологияларини қўллаш, бизнесни юритиш учун қулай инвестицион иқлим ва ишбилармонлик муҳитини яратиш масаласига алоҳида эътибор берилаётганлигини тасдиқлайди.

Халқаро амалиётда хўжалик юритувчи субъектлар молиявий фаолиятига солиқларнинг таъсири юзасидан кенг кўламли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Илмий изланишларда жаҳон бозори конъюнктурасидаги кескин ўзгаришлар, халқаро солиқ амалиёти ва унинг бизнес муҳити, рақобатнинг миллий доирадан жаҳон даражасига чиққанлиги асосида солиқларнинг хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятига ижобий таъсирини таъминлашга оид ўрта ва узоқ муддатли стратегияга таъсир этувчи омилларни олдиндан баҳолаш кабиларга алоҳида эътибор қаратилган. Халқаро миқёсда солиқларнинг корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятига таъсири юзасидан илмий тадқиқотлар тизимли равишда олиб борилмоқда ва бунда АҚШ, Ғарбий Европа, Япония, Сингапур, Жанубий Корея олимлари уларнинг методологик ва амалий аҳамиятига, МДҲ мамлакатларида эса кўпроқ назарий жиҳатларига урғу берилмоқда. “Ҳозирги вақтда глобал миқёсда солиқ сиёсатининг энг кўзга кўринган масалаларидан бири - рақамли иқтисодиётни солиққа тортиш режимини танлаш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг рақамли фаолиятдан олинган даромадларини тақсимлаш жараёнининг автоматлаштирилган тизимини яратиш ҳисобланади”<sup>1</sup>. Халқаро тажрибада натижага асосланган солиқ ислохотлари фан, технология ва инновацион сиёсатнинг узвийлигидан далолат беради. Бу жиҳат ўз-ўзидан миллий ва халқаро даражада натижага асосланган комплекс тадқиқотлар олиб бориш орқали солиқларнинг корхоналар фаолиятига таъсирини амалда тадқиқ этишни шарт қилиб қўймоқда.

Ўзбекистонда жаҳон андозаларига мос самарали солиқ тизимига таянувчи мустаҳкам иқтисодий асос ҳамда реал натижага асосланган истиқболли тараққиёт йўналишларини белгилаш, солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтиришга жиддий аҳамият берилмоқда. Солиқ юкини пасайтириб бориш, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги унинг номутаносиб тақсимланишини бартараф этиш, солиқ маъмуриятчилигидаги

---

<sup>1</sup> Paying Taxes 2019. A unique report by PwC and the World Bank Group. <http://www.pwc.com/gx/en/paying-taxes/pdf/pwc-paying-taxes-2019.pdf>

номукамалликлар туфайли солиқларни ҳисоблаш ва тўлашдаги муаммоларни бартараф этиш, солиқ тўловчилар билан солиқ органлари ўртасидаги бўйсунувчи муносабатларга йўл қўймаслик ва уларнинг “хамкорликда ўсиши”ни таъминлашга эришиш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига тўсқинлик қиладиган асоссиз солиқ текширувларини бартараф этиш ва солиқ маслаҳати кўрсатиш ҳамда самарали назорат тадбирларига ўтиш вазифаси белгиланди. Республикада “янги солиқ сиёсати доирасида иш ҳақиға солиқ юки 1,5 баробар камайтирилди. Натижада расмий секторда ишлаётганлар сони йил давомида 500 минггага кўпайди. Қўшилган қиймат солиғи ставкаси 20 фоиздан 15 фоизга туширилди. Бунинг ҳисобидан ўтган йили солиқ тўловчилар ихтиёрида 2 триллион сўм қолди. Жорий йилда бу рақам 11 триллион сўмни ташкил этиши кутилмоқда. Бир йилда тадбиркорлар ихтиёрида шунча маблағ қолиши, албатта, уларга ўз бизнесларини ривожлантириш учун жуда катта қўшимча имкониятлар яратди”<sup>2</sup>. Бу эса ўз навбатида мавзунинг бугунги кундаги ислохотларнинг долзарб масалаларидан бири эканлиги кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4555-сон Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 10 июлдаги ПҚ-4389-сон “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 сентябрдаги ПФ-5837-сон “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 27 июндаги ПФ-5755-сон “Солиқ ва божхона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 29 июндаги ПФ-5468-сонли “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги Фармонлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I-“Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мос равишда бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Солиққа тортишнинг назарий асослари соҳасидаги қарашлар иқтисодиёт назариясининг мумтоз асосчилари У.Петти, А.Смит, Д.Рикардо, Д.Кейнс, А.Лаффер асарларида солиққа тортиш назариясини ривожлантиришга ўз хиссасини қўшган ҳозирги замон хорижий

---

<sup>2</sup> Мирзиёев Ш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Тошкент шаҳри 2020 йил 24 январь, <https://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>

иктисодчи олимларидан С.Брю, П.Самуэльсон, К.Макконнел, Г.Менкьюнинг илмий ишларида атрофлича ўрганилган<sup>3</sup>.

МДХ мамлакатлари олимларидан И.Александров, А.Брызгалин, Л.Гончаренко, Е.Евстигнеев, А.Исаев, М.Косов, Т.Косарева, М.Кулишер, В.Князев, И.Майбуров, Н.Миляков, Л.Павлова, В.Пансков, А.Паскачев, В.Пушкарёва, А.Соколов, Н.Тургенев, Н.Тютюрюков, Д.Черник, Т.Юткин каби иктисодчилар солиқ назарияси ва солиққа тортиш амалиётидаги муаммоларга бағишланган илмий тадқиқотлар олиб боришган<sup>4</sup>.

Ўзбекистонлик иктисодчи олимлар Э.Гадоев, Ш.Гатаулин, И.Завалишина, Т.Маликов, О.Олимжонов, Х.Собиров, А.Жўраев, Ш.Тошматов, О.Абдурахманов, Б.Тошмуродова, Н.Хайдаров, И.Ниязметов, Қ.Яхёев, Н.Қўзиева, Б.Санакулова каби олимларнинг илмий ишларида солиқларнинг корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятига таъсирини аниқлашнинг назарий ва илмий-услубий жиҳатлари қисман ўз аксини топган<sup>5</sup>.

<sup>3</sup> Петти У. Трактат о налогах и сборах.. – М.: Ось-89, 1997. – 346 с.; Смит А. Исследования о природе и причинах богатства народов. Пер.с англ. – М.: Соцэкгиз, 1962. – кн. 5 - 620 с. Рикардо Д. Начала политической экономии и налогового обложения. Сочинения, том I. – М.: Государственное издательство политической литературы, 1955. – 360 с.; Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. – М.: Гелиос АРВ, 1999. -352 с.; Alexander Odishelidze and Arthur Laffer. Pay to the Order of Puerto Rico. Allegiance Press, USA, 2004. – 455 p. Макконнелл К.Р., Брю С.Л., Флинн Ш.М. Economics. М.: Инфра-М, 2011. – 1045 с.; Самуэльсон Пол А., Нордхаус Вильям Д. Экономика: Пер. С англ. – М.: «Бином», 1999. -800 с.; Макконелл К.Р., Брю С.Л. Экономика: принципы, проблемы и политика. Пер. 16-го англ. изд. – М.: ИНФРА-М, 2006. – 940 с.; Менкью Н.Г. Принципы экономикс. – СПб: Питер Ком, 1999. – 784 с.

<sup>4</sup> Александров И.М. Налоги и налогообложение. Учеб.–М.: “Дашков и К”, 2009 –314 с.; Налоги и налоговое право. /Под. ред. А.В.Брызгалина. – М.: Аналитика-Пресс, 1998 – 608 с.; Евстигнеев Е. Налоги, налогообложение и налоговое законодательство. – СПб: Питер, 2001. – 336 с.; Исаев А. Очерк теории и политики налогов. – М.: ООО “ЮрИнфоР-Пресс”, 2003. – 270 с.; Косарева Т. Налогообложение организаций и физических лиц: Учеб. пособие. – М.: ИНФРА-М, 2014.; Кулишер М. Очерки финансовой науки. Петроград: книгоиздательство «Наука и школа», 1919. – 290 с.; Майбуров И. Налоги и налогообложение. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2012.- 559 с., Миляков Н. Налоги и налогообложение. Учебник. 7-е изд. перераб. и доп. – М.: ИНФРА-М, 2008. -520 с.; Пансков В., Князев В. Налоги и налогообложение: Учебник для вузов. – М.: МЦФЭР, 2003. – 336 с.; Паскачев А.Б. Налоги и налогообложение. Учебное пособие. – М.: Высшее образование, 2008, -384 с.; Пушкарёва В. История финансовой мысли и политики налогов. –М.: Финансы и статистика, 2003. – 256 с.; Соколов А. Теория налогов. –М.: ООО “ЮрИнфоР-Пресс”, 2003. – 506 с.; Тургенев Н. Опыт теории налогов. СПб,1818. – 216 с.; Тютюрюков Н. Налоговые системы зарубежных стран. Учебник. – М.: Дашков и К, 2009, - 250 с.; Черник Д. Налоги и налогообложение. Учебник. - М.: Юнити-Дана, 2010.; Юткин У.Т. Налоги и налогообложение. Учебник. 2-е изд. перераб. и доп. – М.: ИНФРА-М, 2002. -576 с.

<sup>5</sup> Гадоев Э. ва бошқ. Солиққа оид хатолар. – Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи, 1996. -128 б.; Гадоев Э., Қўзиева Н. Жисмоний шахсларни солиққа тортиш. –Т.: Ўзбекистон, 2013. – 281 б.; Гатаулин Ш. Солиқлар ва солиққа тортиш. – Т.: ДСҚ, 1996. – 241 б.; Завалишина И. Солиқлар: назария ва амалиёт. – Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси”, 2005. – 544 б.; Ваҳобов А., Жўраев А. Солиқлар ва солиққа тортиш. – Т.: Шарқ, 2019. – 448 б.; Ваҳобов А., Маликов Т. Молия. – Т.: «НОШИР», 2012. – 712 б.; Маликов Т. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. - Т.: Академия, 2002. - 204 б.; Маликов Т., Олимжонов О. Молиявий менежмент. – Т.: Академия, 1999. – 254 б.; Собиров Х.Р., Фаттахов А.А., Иминов О.Н. «Налогообложение малого и среднего бизнеса в Республике Узбекистан» - Т., Молия , 2000. -114 с.; Тошматов Ш. Корхоналарни ривожлантиришда солиқлар роли: Монография. – Т.: Фан ва технология, 2008. – 204 б.; Тошмуродова Б. Солиқлар воситасида иқтисодиётни бошқариш механизми. – Т.: Янги аср авлоди, 2002. – 128 б.; Хайдаров Н. Молия. 1-қисм. – Т.: Академия, 2001. – 185 б.; Ниязметов И. “Солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш орқали солиқ тизими барқарорлигини таъминлаш” мавзусидаги докторлик диссертацияси Автореферати. Т.: БМА, 2019 йил; Абдурахманов О. Жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар тизими ва уни такомиллаштириш масалалари. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: ДЖҚА, 2005. – 40 б.; Яхёев Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. – Т.: Фан ва технологиялар, 2003. – 247 б.; Қўзиева Н. Хорижий инвестициялар иштирокидаги

Ш.Тошматовнинг “Корхоналар иқтисодий фаоллигини оширишда солиқлар ролини кучайтириш муаммолари” мавзусидаги докторлик диссертацияси корхоналар тўлайдиган солиқларнинг моҳияти ва зарурлиги, солиқлар воситасида корхоналар иқтисодий фаоллигини рағбатлантириш йўллари борасидаги муаммоларни таҳлил қилишга бағишланган. Айнан ушбу тадқиқотда мамлакатимизда илк бор корхоналар иқтисодий фаоллигини оширишда солиқлар ролини кучайтиришнинг устувор йўналишлари бўйича масалалар тадқиқ этилган.

И.Ниязметовнинг “Солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш орқали солиқ тизими барқарорлигини таъминлаш” мавзусидаги докторлик диссертацияси мамлакат солиқ амалиётида солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш йўллари тадқиқига бағишланган.

Аmmo, мазкур олимларнинг ишларида янги солиқ концепцияси доирасида мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг истиқболдаги вазифаларини ҳисобга олган ҳолда солиқларнинг корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятига таъсирини тизимли тарзда тадқиқ этиш ва унинг диққат марказида, “рақамли иқтисодиётга асосланган электрон ҳисоб-китоб тизимини йўлга қўйиш”, “эркин рақобатга асосланган тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очиш”, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш молиявий таъминотининг муҳим асоси бўлмиш “давлат фискал мақсадлари ва солиқ дастаклари самарали амал қилиш механизми” мутаносиблигини ўзаро мувофиқлаштириш ҳамда уйғунлаштириш орқали унинг такомиллашган механизмини яратиш билан боғлиқ муаммолар комплекс равишда тадқиқ қилинмаган.

Айнан мана шунинг учун ҳам, ҳозирда Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолиятига солиқларнинг таъсирини тадқиқ этиш йўналишларининг илмий-услубий асосларини такомиллаштиришда янгича ёндашувнинг зарурлиги яққол кўзга ташланиб қолди.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент молия институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Рақамли иқтисодиёт шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари” мавзусидаги стратегик йўналиш доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** корхоналарнинг молиявий ресурсларидан оқилона фойдаланишда солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

корхоналарда молиявий ресурсларни шакллантиришнинг назарий асосларини ўрганиш;

корхоналар солиқ мажбуриятлари ижросининг аҳамияти, хусусиятлари ва омилларини илмий тадқиқ этиш;

корхонада солиқ интизомига риоя этилишини таъминлашнинг институционал омилларини ўрганиш;

корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятига таъсир этувчи омиллар таркибида солиқлар, жумладан, билвосита солиқлар улушининг ўзгариш тенденцияларини аниқлаш;

кўшилган қиймат солиғининг узлуксиз занжирини шакллантиришни таҳлил қилиш;

мол-мулк ва ер солиқларининг корхоналарда молиявий ресурсларни шакллантиришга таъсирининг таҳлил қилиш;

фойдадан олинадиган солиқларнинг корхоналар молиявий натижаларига таъсирини тадқиқ қилиш;

корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятини яхшилашда солиқ солинадиган базани ҳисоблаш тартибини такомиллаштириш юзасидан илмий таклифлар ишлаб чиқиш;

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон Республикаси солиқ тизими ҳамда мамлакатда фаолият юритаётган реал сектор корхоналари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолиятини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш жараёнида вужудга келадиган молиявий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда иқтисодий воқелик жараёнларини ўрганишнинг илмий усуллари – диалектик ёндошув, тизимли таҳлил, синтез, рейтинг баҳолаш, шунингдек, иқтисодий усуллар – статистик, қиёсий таҳлил ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

кўшилган қиймат солиғининг “узлуксиз занжир”ни тартибга солишда фискал девальвация сиёсати шартларини инобатга олган ҳолда иқтисодиётда хуфёна айланмани қисқартириш, кўшилган қиймат солиғи маъмуриятчилиги самарали воситаси сифатида кўшилган қиймат солиғи ставкасини 15 фоиз миқдорида белгилаш ҳамда “манфий” қолдиқни қайтариш амалиётини қўллаш таклиф этилган;

фойда солиғи ставкасини 15 фоиз миқдорида белгилаш асосида рақобатбардош ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, тадбиркорликни ва соғлом рақобат муҳитини қўллаб-қувватлаш тизимини шакллантириш асосланган;

худудларнинг иқтисодий салоҳияти ўсишидан манфаатдорликларини рағбатлантириш ҳамда маҳаллий бюджетни қўллаб-қувватлашда фойда солиғи суммасини маҳаллий бюджет ихтиёрида қолдириш таклиф қилинган;

солиқларнинг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ривожлантиришга таъсирини жонлантириш, корхоналар мол-мулкидан янада самарали фойдаланишни таъминлашда алоҳида мулк объектлари учун имтиёزلарни бекор қилиб, пасайтирилган ставкани қўллаш таклиф этилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

хўжалик субъектларини солиққа тортиш амалиётида давлат сиёсати самарадорлигини оширишга оид ҳамда корхонада солиқ мажбуриятларини оптималлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

барча хўжалик юритувчи субъектлар учун қўшилган қиймат солиғи бўйича электрон ҳисоб-варақ фактурани тўлиқ жорий этиш таклиф қилинган;

иқтисодиёт субъектлари ўртасидаги аниқ ҳисоб-китоблар тизимини амалда тўғри йўлга қўйиш мақсадида асосий воситаларни сотиб олишда қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олишнинг бир марталик тартибини амалга киритиш асосланган;

махаллий бюджетларнинг иқтисодий томондан мустақил фаолият олиб боришлари ўз худудида турли йўналишдаги вазифаларини ҳал қилиш учун етарли бўлган молиявий маблағга эга бўлишларини таъминлаш мақсадида ҳисоблаб чиқилган фойда солиғи суммасини тегишли миқдорларда маҳаллий бюджет ихтиёрида қолдириш таклифи қаноатлантирилган;

юридик шахслардан қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлар бўйича ер солиғини норматив қийматдан ҳисоблаб чиқариш тартибини жорий этиш таклиф қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган ёндошув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг статистик маълумотларидан олингани ҳамда тегишли хулоса ва таклифларнинг амалиётга жорий қилинганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлар Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясида белгиланган асосий йўналишларни рўёбга чиқаришда солиқларнинг корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятини рағбатлантиришда солиққа тортиш механизмининг такомиллаштиришга қаратилган махсус илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан давлат томонидан солиқлар йиғилувчанлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқишда ҳамда бюджетнинг солиқли даромадлари истиқболини белгилаш жараёнида қўллаш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Солиқларнинг корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятига таъсирини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

қўшилган қиймат солиғининг “узлуксиз занжир”ни тартибга солишда фискал девальвация сиёсати шартларини инобатга олган ҳолда иқтисодиётда хуфёна айланмани қисқартириш, қўшилган қиймат солиғи маъмуриятчилиги

самарали воситаси сифатида “манфий” қолдиқни қайтариш амалиётини қўллаш бўйича таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-599-сон “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг 2020 йил 8 январдаги 19/1-1-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида хуфиёна иқтисодиёт даражасини қисқартиришга қаратилган, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини қонунийлаштириш жараёнларини рағбатлантирувчи тадбиркорлик субъектлари ва инвесторлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, солиқ солиш жараёнларини автоматлаштирган тизимини яратиш юзасидан солиқ маъмуриятчилиги фаоллашуви таъминланган;

фойда солиғи ставкасини 15 фоиз миқдорида белгилаш асосида рақобатбардош ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, тадбиркорлик ва соғлом рақобат муҳитини қўллаб-қувватлаш тизимини шакллантириш бўйича таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-599-сон “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг 2020 йил 8 январдаги 19/1-1-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф асосида давлатнинг фискал вазифалари ва солиқ тўловчиларнинг молиявий имкониятлари барқарорлиги таъминланган;

худудларнинг иқтисодий салоҳияти ўсишидан манфаатдорликларини рағбатлантириш ҳамда маҳаллий бюджетни қўллаб-қувватлашда фойда солиғи суммасини маҳаллий бюджет ихтиёрида қолдириш бўйича таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрдаги ЎРҚ-589-сон “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг 2020 йил 8 январдаги 19/1-1-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф амалиётга жорий этилиши натижасида маҳаллий бюджетларнинг мустақил тасарруф этиладиган ўз молиявий маблағлари кўпайиши таъминланган;

солиқларнинг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ривожлантиришга таъсирини ошириш, корхоналар мол-мулкидан янада самарали фойдаланишни таъминлашда алоҳида мулк объектлари учун имтиёзларни бекор қилиб, пасайтирилган ставкани қўллаш бўйича таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-599-сон “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг 2020 йил 8 январдаги 19/1-1-сон маълумотномаси). Натижада, хўжалик субъектларининг мулклардан мақсадли ва самарали фойдаланишга бўлган иммунитетини шаклланиб, боқимандалик хусусиятини йўқолиши таъминланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 12 та, жумладан, 8 та республика ва 4 та халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этилган илмий нашрларда 5 та илмий мақола, шундан 4 та республика журналларида ва 1 та хорижий журналда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган. Диссертация ҳажми 128 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилишнинг синовдан ўтганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Солиқ концепцияси доирасида корхоналар молиявий ресурсларининг шаклланиши ва солиққа тортишнинг иқтисодий асослари”** деб номланган биринчи бобида, корхоналар молиявий ресурсларини шакллантириш зарурияти, бюджет даромадларида солиқларнинг ўрни, корхоналар солиқ мажбуриятлари ижросининг аҳамияти, хусусиятлари ва омиллари, корхоналарда солиқ интизомига риоя этилишини таъминлашнинг институционал омиллари ёритилган.

“Мамлакатда солиқ сиёсатини такомиллаштириш Концепцияси қабул қилинган, солиқ тизими модернизацияси амалга оширилиб келинмоқда ва бу шароитда давлатнинг самарали солиқ сиёсатини таъминлаш мақсадида “ҳалол (интизомли) солиқ тўловчиларни янада рағбатлантириш”, “даромадларни легаллаштириш ва “яширин иқтисодиёт” улушини камайтириш”, солиқ муносабатларида “солиқ органлари ва солиқ тўловчиларнинг “ҳамкорликда ўсиш”га асосланган янги мулоқоти тизимига ўтиш”, “солиқ тизими ижтимоийлиги ва адолатлилигининг ўсиб бориши” каби мутаносибликларни ўзаро мувофиқлаштириш ҳамда уйғунлаштириш лозим”<sup>6</sup>.

Жаҳон ҳамжамияти ҳам иқтисодий ҳам ижтимоий жиҳатдан ривожланиб борар экан, инсонларнинг истеъмол товарларига ва хизматларга бўлган эҳтиёжлари тўхтовсиз ўсиб боради. Эҳтиёжларнинг ортиб бориши умумий


<sup>6</sup> Азизов У.У. Изчил солиқ сиёсати – иқтисодий ривожланиш омили. «Ўзбекистонда Ҳаракатлар стратегиясини самарали амалга оширишда солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари» мавзусидаги илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Т.: «Iqtisod-Moliya», 2019. 6-б.

қонуни талабларини ҳисобга олган ҳолда хўжалик фаолиятини юритиш ҳар қандай ривожланишнинг зарур шартидир.

А.Х.Шоалимов фикрича, “Товарлар сотишдан тушган тушум билан уларнинг харид қиймати ўртасидаги фарқ савдо корхоналарининг ялпи даромадини ташкил қилади”<sup>7</sup>. Россиялик олимлар А.Ф.Ионова ва Н.Н.Селезневаларнинг таъкидлашларича, “Ялпи даромад кўрсаткичи савдо корхоналарининг жорий ва узоқ муддатли ривожланишида асосий ички манба ҳисобланади”<sup>8</sup>.

М.С.Абрютина фикрича, “ялпи фойда бу савдо устамаси ёки савдо устамаси ҳали даромад эмас, чунки савдо устамасидан муомала харажатлари айрилсагина даромад ҳосил бўлади”<sup>9</sup>. Муаллиф эса икки тоифа, яъни: фойда билан даромадни алмаштириб юборган.

М.Расулов бозор иштирокчисининг манфаатдорлиги фойда миқдори билан белгиланишини қайд этиб, “фойда - тушумнинг харажатлардан ортик қисмидир”<sup>10</sup>, деб таърифлайди.



1-расм. Корхона молиявий натижалари(фойда)нинг шаклланиши<sup>11</sup>

<sup>7</sup> Шоалимов А.Х. ва бошқалар. Иқтисодий таҳлил. Ўқув қўлланма. - Т.: Лексон-пресс, 2016. - 196 б.

<sup>8</sup> Ионова А.Ф., Селезнева Н.И. Финансовый анализ. Учебник. - М.: Инфра М. 2010. - 437 с.

<sup>9</sup> Абрютина М.С. Экономический анализ торговой деятельности. Учебное пособие. - М.: Дело и сервис, 2008. 195 с.

<sup>10</sup> Расулов М. Бозор иқтисодиёти асослари. “Ўзбекистон”, 1998 йил, 380-бет

Б.Абдукаримов фикрича, “фойда – бу мураккаб иқтисодий категориялардан бири ҳисобланади. У асосан кўшимча қиймат яратиш ва ишлатиш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатларни ифодалайди”<sup>12</sup>.

1-расмдан кўринишича, ҳозирги кунда мамлакатда фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектлар фойдани қуйидаги кўрсаткичлар билан ифодалайди: ялпи фойда, асосий фаолиятдан олинган фойда, умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда, солиқ тўлагунга қадар фойда, соф фойда.

Илмий иқтисодий адабиётда “иқтисодий фойда” ва “бухгалтерия фойдаси” талқини учрайди. *Иқтисодий фойда* кенг тушунча бўлиб, корхонанинг ҳисобот давридаги барча моддий ва молиявий активлари иқтисодий қийматининг ўсиши билан хусусиятланади. *Бухгалтерия фойдаси* деганда, корхонанинг даромадлари ҳамда харажатлари ўртасидаги ижобий фарқ тушунилади.

Умуман олганда, “фойда иқтисодий категория сифатида ишлаб чиқариш омилларини (меҳнат, капитал, табиий ресурслар) узвий алоқадорлиги асосида жамиятнинг моддий ишлаб чиқариш соҳасида яратилган пировард молиявий натижадир”<sup>13</sup>.

Иқтисодий адабиётларда “солиқ тўлови” тушунчасига турлича таърифлар берилган. Жумладан, профессор А.Г.Грязнованинг ёзишича: “Солиқ тўлови – давлатнинг солиқ қонунчилигига асосан солиқ тўловчилар фойдаси (даромади)нинг бир қисмини давлатнинг марказлаштирилган жамғармасига йўналтириш шаклидир”<sup>14</sup>.

М.Ф.Сафонованинг фикрича: “Солиқ тўловлари фойдадан чегирилувчи харажатлар бўлиб, корхона молиявий оқимининг асосий улушини ташкил қилади. Солиқ тўловлари корхонанинг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятининг барча босқичларида шаклланади, бир томондан маҳсулот баҳосининг элементи таркибига киради, иккинчи томондан ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир кўрсатади ҳамда бошқарув қарорларини қабул қилишда муҳим омиллардан саналади”<sup>15</sup>.

Тадқиқот натижаларини умумлаштириш асосида З.Н.Қурбановнинг “солиқ тўловларини солиқ харажатлари сифатида тан олиш керак” деган фикрига қўшиламмиз: “Корхона харажатлари биринчидан, унинг молиявий натижаларини аниқлашда қатнашса, иккинчидан, солиққа тортиш базасини аниқлашда қатнашади. Солиққа тортиш базасини аниқлашда қатнашиши натижасида солиқ харажатлари тушунчаси намоён бўлади. “Солиқ

---

<sup>11</sup> Зарипов Х.Б. Фойдадан олинадиган солиқларнинг акциядорлик жамиятлари иқтисодий фаолиятига таъсири//“Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 4-5, август-октябрь, 2018 йил

<sup>12</sup> Абдукаримов Б. ва бошқалар. “Корхона иқтисодиёти”. Тошкент. “Фан”, 2005 йил, 220-бет.

<sup>13</sup> Зарипов Х.Б. Фойдадан олинадиган солиқларнинг акциядорлик жамиятлари иқтисодий фаолиятига таъсири//“Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 4-5, август-октябрь, 2018 йил

<sup>14</sup> Финансово-кредитный энциклопедический словарь.-М.: -Финансы и статистика. Под общ. ред. А.Г. Грязновой. 2002.

<sup>15</sup> Сафонова М.Ф. Теория и методология внутреннего контроля и аудита налоговых затрат. 08.00.12 – Бухгалтерский учет, статистика диссертация на соискание ученой степени доктора экономических наук. Краснодар, 2017.стр.25

харажатлари” тушунчаси янги иқтисодий категория эмас, балки бу тушунчани биз кўпроқ солиқ ва бошқа мажбурий ажратмаларга тўловлар сифатида қўллаб келганмиз”<sup>16</sup>.

Албатта корхоналар молиявий-хўжалик фаолияти доимий равишда бир текис ижобий иқтисодий кўрсаткичларга эриша олмайди. Корхона фойда олиши билан бир қаторда молиявий кўрсаткичи зарар билан чиқиши мумкин. Бугунги кунда солиққа тортиш жараёнида, “чегирилиши лозим бўлган харажатларнинг жами даромаддан ошиб кетиши солиқ тўловчининг зарари деб эътироф этилади”<sup>17</sup>.

Олдинги солиқ даврида (даврларида) ҳисоблаб чиқарилган зарари (зарарлари) бўлган солиқ тўловчи жорий солиқ даврининг фойдасини ушбу кўрилган зарарнинг бутун суммасига ёки ушбу сумманинг бир қисмига камайтиришга ҳақлидир. Солиқ тўловчи зарарни ушбу зарар кўрилган солиқ даврдан кейинги ўн йил мобайнида келгусига ўтказишни амалга оширишга ҳақлидир. Корхона томонидан ўтказилаётган зарарнинг ҳар бир кейинги солиқ даврида ҳисобга олинadиган жами суммаси ҳисоблаб чиқарилган жорий солиқ даври солиқ базасининг 60 фоизидан ошиб кетиши мумкин эмас. Солиқ базаси олдинги солиқ даврида (даврларида) кўрилган зарар суммасига фақат жорий солиқ даврининг якунлари бўйича камайтирилиши мумкин. Бир календарь йилдан ортиқ йилларда кўрилган зарарлар улар кўрилган кетма-кетликда ўтказилади.<sup>18</sup>

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг “Солиқлар ва йиғимлар” деб номланган 16-моддасида солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар қуйидагича эътироф этилган: Солиқлар деганда ушбу Кодексда белгиланган, Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ёки давлат мақсадли жамғармасига тўланадиган мажбурий беғараз тўлов тушунилади”.

Йиғим деганда бюджет тизимида ёки бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган мажбурий тўлов тушунилади, бу йиғимнинг тўланиши уни тўловчи шахсга нисбатан ваколатли орган ёки унинг мансабдор шахси томонидан юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни амалга ошириш, шу жумладан унга муайян ҳуқуқларни ёхуд рухсат этувчи ҳужжатларни бериш шартларидан бири бўлади<sup>19</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек: “Яқинда қабул қилинган янги Солиқ кодексига мувофиқ, бу йилдан бошлаб кўплаб янгиликлар амалиётга жорий этилмоқда. Жумладан, солиқ турлари 13 тадан 9 тага камайтирилди. Солиқларни тўлаш муддатини узайтириш ёки бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат бериш бўйича

<sup>16</sup> Қурбанов З.Н. Солиқ харажатлари ҳисобининг назарий масалалари.”Тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш ҳамда қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришда солиқ сиёсатининг ўрни” мавзусидаги конференция материаллари. Тошкент, 2016. 147-148 бетлар.

<sup>17</sup> Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси /янги таҳрирда/. Т.:, 2020 йил, 333-модда. <https://lex.uz/docs/4674902>

<sup>18</sup> Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси /янги таҳрирда/. Т.:, 2020 йил, 333-модда. <https://lex.uz/docs/4674902>

<sup>19</sup> Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси /янги таҳрирда/. Т.:, 2020 йил, 2-боб, 16-модда. Солиқлар ва йиғимлар. <https://lex.uz/docs/4674902>,

енгиллаштирилган механизмлар киритилди. Биринчи марта тадбиркорларга ички бозорда сотган маҳсулоти бўйича кўшилган қиймат солиғининг бир қисмини қайтариш тартиби жорий этилмоқда. Ҳозиргача бу тартиб фақат маҳсулот экспорт қилинганда қўлланар эди. Бунинг ҳисобидан тадбиркорлар ихтиёрида 3,4 триллион сўм ёки ўтган йилга нисбатан 2,5 баробар кўп маблағ қолади”<sup>20</sup>.

## 1-жадвал

### Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган солиқлар<sup>21</sup>

<p align="center"><b>Олдинги Солиқ кодексининг “Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг турлари” деб номланган 23-моддасига мувофиқ</b></p>	<p align="center"><b>Янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг “Солиқларнинг ва ийғимларнинг турлари” деб номланган 17-моддасига мувофиқ</b></p>
<p>1) юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи; 2) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи; 3) кўшилган қиймат солиғи; 4) акциз солиғи; 5) ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар; 6) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ; 7) мол-мулк солиғи; 8) ер солиғи; 9) ягона ижтимоий тўлов; 10) бензин, дизел ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ; 11) ягона солиқ тўлови; 12) ягона ер солиғи; 13) тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ.</p>	<p>1) фойда солиғи; 2) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи; 3) кўшилган қиймат солиғи; 4) акциз солиғи; 5) ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ; 6) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ; 7) мол-мулк солиғи; 8) ер солиғи; 9) ижтимоий солиқ.</p>

Давлат солиқ хизмати органларини солиқ тўловчиларнинг бизнес-ҳамкори ва маслаҳатчиси сифатидаги янги имиджини яратиш орқали хизмат кўрсатишга йўналтирилган идорага айлантириш, ҳар бир ходим томонидан “Солиқ хизмати - инсофли солиқ тўловчиларнинг ишончли ҳамкори”<sup>22</sup> - деган мақсадли вазифани сўзсиз бажариши энг муҳим йўналиш сифатида белгиланди.

Ишнинг “**Солиқларнинг корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятига таъсирини амалдаги ҳолати**” деб номланган иккинчи бобда кўшилган

<sup>20</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Тошкент шаҳри 2020 йил 24 январь, <https://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>

<sup>21</sup>Тадкикотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди

<sup>22</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 июндаги “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3802-сонли Қарорининг 1.1. банди

қиймат солиғи, фойда солиғи ҳамда мол-мулк солиқларининг корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятига таъсирини Ўздонмахсулот акциядорлик жамиятига қарашли корхоналар мисолида самарали таҳлил қилинган. Ўзбекистон Республикасида давлат бюджети даромадлари шаклланишида солиқларнинг аҳамияти ва иштироки беқиёсдир.

## 2-жадвал

### 2016-2019 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети солиқли даромадларининг асосий кўрсаткичлари<sup>23</sup>

КЎРСАТКИЧЛАР	2016 йил		2017 йил		2018 йил		2019 йил	
	млрд. сўм	% да	млрд. сўм	% да	млрд. сўм	% да	млрд. сўм	% да
<b>Давлат мақсадли жамғармалар даромадларисиз - жами</b>	<b>40505,8</b>	<b>100</b>	<b>44469,6</b>	<b>100</b>	<b>62229,5</b>	<b>100</b>	<b>102 627,6</b>	<b>100</b>
<b>ТЎҒРИ СОЛИҚЛАР</b>	<b>9338,5</b>	<b>23,0</b>	<b>10674,2</b>	<b>24,0</b>	<b>12805,4</b>	<b>20,6</b>	<b>29 125,5</b>	<b>28,4</b>
Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	1266	3,1	1291,1	2,9	2510,9	4,0	15 980,0	15,6
Ягона солиқ тўловидан давлат бюджетига ажратмалар	1237,9	3,1	1622,8	3,6	2110,5	3,4	1192,1	1,2
Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	4040,4	10,0	4476,1	10,1	5198,8	8,4	11 367,4	11,1
Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган қатъий солиқ	742,5	1,8	831,7	1,9	1077,6	1,7	586,0	0,6
Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи	668,5	1,7	839,3	1,9	-	-	-	-
<b>ЭГРИ СОЛИҚЛАР</b>	<b>22298,1</b>	<b>55,1</b>	<b>24285,4</b>	<b>54,6</b>	<b>33404,3</b>	<b>53,7</b>	<b>47 029,8</b>	<b>45,8</b>
Қўшилган қиймат солиғи	12505	30,8	13422,1	30,2	22019,4	35,4	35 993,5	35,1
Акциз солиғи	6480	16,0	6870,8	15,5	8343,8	13,4	9 017,5	8,8
Божхона божи	1717,4	4,2	1632,2	3,7	1415,3	2,3	2 018,8	2,0
Транспорт воситаларига бензин, дизел ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ	1595,7	4,0	1940,3	4,3	1323,2	2,1	-	-
<b>Мол-мулк солиғи ва ресурс тўловлари</b>	<b>5806,5</b>	<b>14,3</b>	<b>6049,5</b>	<b>13,7</b>	<b>9714,5</b>	<b>15,6</b>	<b>16 906,0</b>	<b>16,5</b>
Мол-мулк солиғи	1874	4,6	1988,8	4,5	2158,9	3,5	1851,1	1,8
Ер солиғи	873,5	2,1	1102,5	2,5	1266,6	2,0	1834,3	1,8
Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	2874,6	7,1	2746,3	6,2	6203,1	10,0	12 952,1	12,6
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	184,4	0,5	211,9	0,5	85,9	0,1	268,5	0,3
<b>Устама фойда солиғи</b>	<b>390,2</b>	<b>1,0</b>	<b>723,2</b>	<b>1,6</b>	<b>1367,7</b>	<b>2,2</b>	<b>130,0</b>	<b>0,1</b>
<b>Бошқа даромадлар</b>	<b>2672,5</b>	<b>6,6</b>	<b>2737,3</b>	<b>6,1</b>	<b>4937,6</b>	<b>7,9</b>	<b>9 436,3</b>	<b>9,2</b>

2-жадвал маълумотлари кўрсатишича, эгри солиқларнинг давлат бюджети даромадларидаги улуши 2016 йилдаги 55,1 фоиздан, 2019 йилда 45,8 фоизга ўзгарган, яъни пасайиш тенденциясига эга бўлган, ўз ўрнида тўғри солиқларнинг улуши эса ушбу даврда 23,0 фоиздан 28,4 фоизгача кўтарилган.

<sup>23</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 22.12.2015 йилдаги ПҚ-2455, 27.12.2016 йилдаги ПҚ-2699, 29.12.2017 йилдаги ПҚ-3454, 26.12.2018 йилдаги ПҚ-4086-сон Қарорлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

“2019 молия йилидан бошлаб жорий этилаётган янги солиқ концепциясининг энг асосий ғояси солиқ юкини камайтириш, содда ва барқарор солиқ тизимини қўллашни кўзда тутати. Шу орқали иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш, тадбиркор ва инвесторлар учун ҳар томонлама қулай муҳит яратишга эришиш мумкин. Афсуски, ялпи ички маҳсулотда “яширин” иқтисодиётнинг улуши катта бўлиб, бу мамлакат ривожига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Солиқ юкини камайтириш, бизнес юритиш учун янада қулай шароитлар яратиш “яширин” иқтисодиётга барҳам беришнинг ягона йўлидир. Шунинг учун бу борада таъсирчан чораларни назарда тутадиган алоҳида дастур ишлаб чиқиш зарур. Янги таҳрирдаги Солиқ кодексида мамлакат тараққиётининг таянчи бўлган инсофли, ҳалол солиқ тўловчиларни рағбатлантириш, яширин фаолият юритадиганларни эса жазолаш кўзда тутилиши шарт”<sup>24</sup>.

Қўшилган қиймат солиғи кўпгина мамлакатлар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантиришда катта рол ўйнамоқда<sup>25</sup>.

Шуни эътиборга олиш жоизки, қўшилган қиймат солиғи билвосита солиқларнинг функционал элементларидан биридир. Унинг тўловчилари истеъмолчилар бўлиб ҳисобланади. Қўшилган қиймат солиғини ана шундай табиатидан келиб чиққан ҳолда, унинг моҳиятини ифодаловчи даражада таъриф бериш мақсадга мувофиқдир<sup>26</sup>.

Шу билан бирга, иқтисодиётнинг айрим секторларида тадбиркорлик субъектлари учун амалда бўлган имтиёзларнинг қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва тўлаш жараёнидаги номутаносибликлар барча хўжалик юритувчи субъектлар учун тенг шароитларни таъминлашда қўшилган қиймат солиғининг тўлақонли занжирини яратиш ва иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш имкониятини бермаяпти.

3-жадвалда ҚҚСнинг ўтган йиллардаги 20 фоизли ставкаси ҳамда январь ойдан тўлиқ жорий этилган 15 фоизли ставкадаги амал қилиши механизмига мисол келтирилган. ҚҚС товар баҳосидан ҳисобланилади. Товарни сотиш жараёнида солиқнинг ҳисоблаб чиқилган кўрсаткичи “Чиқишдаги ҚҚС” деб аталади.

Товарни сотиб олишда тўланган солиқ эса “Киришдаги ҚҚС” деб аталади. Мазкур солиқ давлат бюджети ҳисобидан қоплаб берилади (ҳисобга олинади). Давлат бюджетига мазкур икки кўрсаткичнинг фарқигина тўланади.

3-жадвалда келтирилган мисолга кўра, қўшилган қиймат солиғи бўйича узлуксиз занжирнинг амал қилишида, корхонанинг амалда фойдаланилган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғи суммаси

<sup>24</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Т: “Ўзбекистон” НМИУ, 2019. – 64 б.

<sup>25</sup> А., Жўраев А. Солиқлар ва солиққа тортиш. Дарслик. –Т: “Шарк”, 2019. 59-бет

<sup>26</sup> Гадов Э., Кузиева Н., Ашуров Н. “Солиқ сиёсати стратегияси” фани бўйича ўқув қўлланма. – Тошкент. - 2013. 102- бет.

чегирилиши инобатга олинган бўлсада, товарни якуний истеъмолчиси сифатида охириги истеъмолчига маълум маънода юк бўлиши бу айти ҳақиқатдир.

### 3-жадвал

#### Қўшилган қиймат солиғининг ҳисобга олинган солиқ суммаси бўйича шартли ҳисоб-китоб (млн. сўм ҳисобида)<sup>27</sup>

№	Яратилган қиймат ҚҚС сиз	ҚҚС ставкаси % да	ҚҚС суммаси	Товар баҳоси ҚҚС билан	Хом ашёни қайта ишлаш қиймати	Товар оборот	ҚҚС ставкаси % да	Ҳисобланган ҚҚС суммаси	Бюджетга йўналтирилган ҚҚС суммаси
<i>1</i>	<i>2</i>	<i>3</i>	<i>4=2*3/100</i>	<i>5=2+4</i>	<i>6</i>	<i>7=5+6</i>	<i>8</i>	<i>9=7*8/100</i>	<i>10=6-4</i>
1	1000	20	200	1200	300	1500	20	300	300-200=100
2	1000	15	150	1150	300	1450	15	217,5	217,5-150=67,5
3	1000	20	200	1200	300	1500	0	0	0-200= -200
4	1000	15	150	1150	300	1450	0	0	0-150= -150

3-жадвал таҳлили шундан далолат берадики, қўшилган қиймат солиғи ставкасининг 20 фоиздан 15 фоизга пасайиши ҳисобига хўжалик юритувчи субъектлар ихтиёрида 32,5 млн. сўмлик (100-67,5) оборот маблағлари қолиши билан бир қаторда товарлар баҳосининг пасайиши ҳам аҳамиятлидир.

Агар хўжалик юритувчи субъект экспортёр корхона бўладиган бўлса, давлат бюджети қайтариши лозим бўлган сумма ҳам 50 млн. сўмга (200-150) камайганини алоҳида эътироф этиш лозим. Зеро, мазкур ислохот натижасида ҳам давлат ҳам хўжалик юритувчи субъектлар манфаатлари ижобий кўрсаткичга эришганидан далолат беради.

Мамлакатда солиқ сиёсатини такомиллаштириш, солиқ маъмуриятчилиги самарадорлигини ошириш, солиқ юкини изчил камайтириш, солиқ тизимини соддалаштириш ва солиқ ҳисоботларини тубдан қисқартириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда<sup>28</sup>.

Мазкур тасаввур этилган механизмда аслида солиқларни қайта қўйиб чиқиш назарияси (мазкур назария асосчиси Джон Локк) ижро этилаётир ва унинг моҳияти солиқ юкини тақсимлаш фақатгина айирбошлаш жараёнида амалга оширилиши мумкин ва бунинг натижаси – баҳонинг шаклланишидир.

<sup>27</sup> Муаллиф томонидан солиққа оид амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилди.

<sup>28</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 10-июлдаги “Солиқ маъмуричилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4389-сон Қарори

Айнан айирбошлаш ва тақсимот жараёнлари орқали солиқнинг юридик тўловчиси солиқ юкини бошқа шахс – ҳақиқий солиқ тўловчи (истеъмолчи) зиммасига ўтказиши мумкин.

#### 4-жадвал

### “Жиззахдонмахсулотлари” АЖнинг 4 йиллик обороти бўйича қўшилган қиймат солиғи ҳисоб-китоби (млн.сўм ҳисобида)<sup>29</sup>

№	Кўрсаткичлар	Сатр коди	Йиллар			
			2017	2018	2019	2020*
1.	Товарлар, ишлар, хизматларни реализация қилиш обороти, жами	010	106580,6	135198,1	204276,4	204276,4
2.	Қўшилган қиймат солиғига тортилмайдиган оборотлар	020	40802,5	67646,5	95831,1	-
3.	Солиққа тортиладиган оборот (010-020)	030	65778,1	67551,6	108445,3	204276,4
4.	Қўшилган қиймат солиғи ставкаси (фоизда)	040	20	20	20	15
5.	Қўшилган қиймат солиғи суммаси (030*040/100)	050	13155,62	13510,32	21689,06	30641,46

“Жиззахдонмахсулотлари” АЖнинг 4 йиллик обороти ифодаланган 4-жадвалда, 2019 йилги товарларни реализация қилиш обороти 2017 йилга нисбатан 1,91 мартага (204276,4/106508,6) кўпайгани аҳамиятлидир. Қўшилган қиймат солиғи ставкасининг 20 фоиздан 15 фоизга пасайиши ҳисобига корхона ихтиёрида шартли бирликда 10213,82 млн. сўмлик  $(204276,4 \cdot 20) / 100 = 40855,28$ ;  $(40855,28 - 30641,46 = 10213,82)$  оборот маблағлари қолиши билан бир қаторда товарлар баҳосининг пасайиши ҳам аҳамиятлидир.

Табиийки, ишлаб-чиқариш жараёнида ва кейинчалик меҳнат тақсимоти натижасида маълум бир товар бозорга олиб чиқилгунга қадар ишлаб чиқариш ва муомала жараёнидаги бир нечта босқичлардан ўтади, бу босқичларнинг ҳар бирида қўшилган қиймат яратилади.

2019 йилдан солиқ қонунчилигида жорий этилган ўзгаришлар ва ушбу ўзгаришлар натижасида қўлга киритилган дастлабки натижалар бу солиқ сиёсатида кўзда тутилган ислохотларни бир қисми холос, бугунги кунда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг узоқ йилларга мўлжалланган устувор йўналишларида кўзда тутилган йирик ҳажмдаги вазифаларни амалга оширишда, солиқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш талаб этилади.

<sup>29</sup> “Жиззахдонмахсулотлари” АЖнинг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: “Маълумки, солиқ ставкалари пасайтирилиши ёки айрим солиқлар бекор қилиниши билан бюджетга тушадиган маблағ албатта камаяди. Буни самарали солиқ маъмуриятчилиги орқали бартараф этиш ва бюджет барқарорлигини таъминлаш мумкин. Айнан шунга эришиш биринчи галдаги вазифамиздир”<sup>30</sup>.

Солиқ юкини изчиллик билан камайтириш, солиқ солиш тизимини соддалаштириш ва солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш иқтисодий жадвал ривожлантириш ҳамда мамлакатнинг инвестициявий жозибдорлигини яхшилашнинг энг муҳим шартлари ҳисобланади.<sup>31</sup>

5-жадвал маълумотлари кўрсатишича, корхонанинг Солиқ тўлагунга қадар фойдаси билан (Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот №2 шакл 240-сатри) солиққа тортиладиган фойда таҳлил қилинганда қайта қўшилувчи харажатлар ҳисобига 2017 йилда ўртача 3,3 мартага ошган. Мазкур ҳолат бўйича қайта қўшилувчи харажатлар таркиби ўрганилганда, амалга оширилган харажатларнинг қарийиб 80 % ни ижтимоий соҳага сарфлагани аниқланди.

#### 5-жадвал

### 2017-2019 йилларда “Жиззахдонмахсулотлари” акциядорлик жамиятининг фойдасидан бюджетга солиқларининг ҳисоб-китоб ҳолатининг таҳлили (минг сўм ҳисобида)<sup>32</sup>

№	КЎРСАТКИЧЛАР	ЙИЛЛАР		
		2017	2018	2019
1.	Солиқ тўлагунга қадар фойда (Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот №2 шакл 240-сатри )	325682	433271	6749578
2.	Солиққа тортиладиган базага қўшилаётган №2-илова харажатлари	1087598	271887	2412994*
3.	Солиққа тортиладиган фойда	1413280	705158	4336584
4.	Амалдаги фойда солиғи ставкаси (фоиз ҳисобида)	7,5	14	12
5.	Ҳисобланган фойда солиғи суммаси	105996	98722	520390
6.	Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи базаси	219686	-	-
7.	Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ставкаси (фоиз ҳисобида)	8	-	-
8.	Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи суммаси	17575,2	-	-

<sup>30</sup> Мирзиёев Ш.М. Узбекистан Республикаси Президентининг Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. -Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018. - 61 б. <https://kun.uz/99444746>


<sup>31</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ-5468 сон Фармони, <https://lex.uz/docs/3802378>

<sup>32</sup> “Жиззахдонмахсулотлари” акциядорлик жамиятининг 2017-2019 йиллардаги йиллик ҳисоботи №2-шакл маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

Демак, бундай ҳолатда корхона фаолиятини салбий деб баҳолаб бўлмайди. Лекин солиқ концепцияси доирасида амалга оширилган ислохотлар натижасида 2019 йилда корхонанинг 2412994 минг сўмлик харажати солиқ базасидан чегирилгани аҳамиятлидир.

